



ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 152 (941), 2023 йил 2 август, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ГЕОЛОГИЯ ТАРМОҚЛАРИДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИАТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 1 август куни фойдали қазилмалар захираси ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда геология соҳасига катта эътибор қаратилиб, замонавий технологиялар жорий қилингани натижасида ерости бойлиқларини аниқлаш кўламини кенгайтирди. Уларни қазиб олиш ва қайта ишлаш лойиҳаларига хорижий инвестициялар кириб келмоқда.

Хусусан, сўнгги олти йилда каолинни қайта ишлаш бўйича 148 миллион долларлик 15 та янги лойиҳалар ишга тушган. Натижада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробар кўпайиб, экспорт 65 миллион долларга етган. Шу даврда кўмир қазиб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошиб, 5,4 миллион тоннага етган.

Тақдимотда шу соҳадаги, жумладан, кўмир, каолин ва уран ҳажмини оширишга қаратилган режалар ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, бу йил 6,7 миллион тонна кўмир қазиб олиш режалаштирилган.

Каолин бўйича қиймати 620 миллион долларлик 33 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Ундан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига жорий йилда экспортни 81 миллион долларга, 2030 йилга бориб

180 миллион долларга етказиш мўлжалланган.

Шунингдек, уран захирасини ўстириш бўйича хорижий компаниялар билан ҳамкорликда геология-қидирув ишлари давом эттирилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга бу йўналишларда натижадорликни янада ошириш имкониятларини кўрсатиб ўтди. Мавжуд хомашё базаси, ноёб технологиялар ва кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиб, маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Сурхондарёдаги тошкўмир бўйича 5 та истиқболли майдонни хусусий секторга бериб, геология-қидирув ишларини жадаллаштириш, Ангренада қазиб олинган кўмир сифатини яхшилаш ва саралаш технологияларини жорий этишга доир кўрсатма берилди.

Янги каолин конларини топиш ва оқ каолин захирасини 200 миллион тоннага етказиш, уни қайта ишлаш лойиҳаларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Гидротермал ва қора сланецли уран конларини ўзлаштиришга хорижий инвесторлар жалб қилиниши белгиланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

КОРЕЯ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА “ХУДУДИЙ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИНИ ТИББИЙ АСБЎБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ” ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолининг қафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятини кенгайтириш, ҳудудий тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган тиббий хизматлар кўламини сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Корея Республикаси Ҳукумати томонидан “Худудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) амалга ошириш учун Корея экспорт-импорт банкининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси (кейинги ўринларда — ИРХ жамғармаси)дан Ўзбекистон Республикасига 10 йил имтиёзли давр билан 40 йил муддатга жами 74 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги Корея вониди имтиёзли қарз ажратилиши маъқулланганлиги;

Лойиҳанинг умумий қиймати 88,78 миллион АҚШ долларини,

жумладан, 74 миллион АҚШ доллари қарз маблағлари ҳамда 14,78 миллион АҚШ доллари солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш шаклида Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улушини ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лойиҳани ўз вақтида амалга ошириш, уни мувофиқлаштириш, шунингдек, ИРХ жамғармасининг қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ ИРХ жамғармасининг қарз маблағлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида молиявий агент ҳисобланади;

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Оториноларингология соҳасида тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш, аҳолининг эҳтиёмжанд қатламларига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш, соҳадаги нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, давлат муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий кадрларни тайёрлаш ва илм-фанни ривожлантириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги ассоциациясининг 2023 йил 1 сентябрдан юридик шахс мақомига эга бўлган Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

а) Марказ: оториноларингология йўналишидаги ишларни мувофиқлаштиради ҳамда “Марказ — худудий тиббиёт муассасалари — туман (шаҳар) тиббиёт муассасалари” тизими асосида ўз фаолиятини ташкил этади;

оториноларингологик ва бош-бўйин касалликлари соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиши йўлга қўяди, ушбу йўналишларда мутахассисларни ўқитиш ва уларнинг кўникмаларини ривожлантириш чораларини кўради ҳамда илмий мактабни шакллантиради;

ҳудудларда оториноларингологик ва бош-бўйин касалликларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий услулари амалиётга жорий этади ҳамда юқори технологик амалиётлар кўламини кенгайтиради;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида оториноларингологик ва бош-бўйин касалликлари профилактикаси, уларни эрта аниқлаш ва даволаш дастурларини амалиётга жорий этади;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан ҳамкорликда оториноларингологик ва бош-бўйин касалликларини даволашнинг замонавий ва юқори технологик усулларини давлат ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари амалиётга жорий этади;

► Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 32 йиллигига

ОДАМЛАР ФАҚАТ ЯХШИ ЯШАШГА ИНТИЛИМОҚДА ЧУНКИ ДУНЁҚАРАШ, ҲАЁТГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРДИ

Узоқ йиллик ҳаёт тажрибамда кўплай сиёсий жараёнлар ва турли даражадаги сайловларни кўрганман. Шу йил 9 июль куни мамлакатимизда Президент сайлови мутлақ ўзгача рух ва янги қарашлар билан ўтди, десам муболаға эмас. Чунки бугунги халқимиз кечагисидан фарқ қилади. Бир вақтлар номигагина сайловда қатнашиб, ҳатто ким учун овоз берганини билмаган, ҳис этмаган даврларни ҳам кузатдик.

► Давоми 3-бетда



НУҚТАИ НАЗАР

ЭНЕРГЕТИКА

Бозор муносабатларига ўтишнинг зарурати ва аҳамияти нечоғлиқ?

Бугун кундалик ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Муайян сабаблар туфайли электр таъминоти тизимида кузатиладиган қисқа муддатли узилиш ҳам фаолиятимиз тўхташига сабаб бўлади. Чунки ҳар бир ишнинг сифати ва муддати

бевосита электр таъминоти тизими барқарорлигига боғлиқ. Аҳоли фаровонлиги ортиб бориши, сон ва сифат жиҳатидан кўпаяётган маиший техника электр энергияси истеъмолини оширмоқда.

► Давоми 4-бетда

МУТАХАССИС МИНБАРИ

ТАЪЛИМГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ

фаровонликка эришишнинг энг тўғри ва самарали йўлидир

Бугун биз фаол инвестиция, барқарор иқтисодиёт, инсон капитали ҳақида кўп гапиряпмиз. Замонавий дунёда тараққиёт учун муҳим бу уч йўлнинг охири бир нуқтага бориб туташини аён бўлиб қолмоқда. Бу — билим. Бундай дейишимизга аризли сабаблар бор. Айтилик, бундан 20-25 йил олдин инвесторлар арзон ишчи кучи бўлган мамлакатларга сармоя киритган, шу мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, арзон ишчи кучи билан арзон маҳсулот ишлаб чиқариб, бошқа давлатларга сотган. Ҳозир ундай эмас. Ақлли инвесторлар энди интеллектуал салоҳиятли кадрларга эга мамлакатларгагина инвестиция киритиш ҳаракатига тушган. Бунинг сабаби нимада?



Инвесторлар давлатнинг ўзига бориб маблағ сарфлагандан кўра, энди юксак ақл эгаларини ўз давлатига олиб келишга ҳаракат қилмоқда. Чунки инсоният сунъий интеллект ёрдамида эришаётган охиригича йуқлар кейинги даврда билимга йўналтириладиган сармоя инсон капитали даражаси қандай бўлишини бугун белгилаб бериши. Сабаби, сунъий интеллект кўндалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки “ақлли” қурилмаларнинг

80 фоизи сунъий интеллектнинг қайси бир жиҳатини ўзида мужассам этган. Одамларнинг 77 фоизи сунъий интеллектга асосланган ечимлардан фойдаланади. Бундан ташқари, молиявий ҳисоботларда айтилишича, биз сунъий интеллект инқилоби марказида турибмиз. 2026 йилга бориб SI глобал бозори 39,7 фоиз, CAGR 309,6 миллиард долларгача ўсиши прогноз қилинмоқда.

► Давоми 5-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИКОРЕЯ ЭКСПОРТ-ИМПОРТ БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА “ҲУДУДИЙ ТИББИЁТ
МУАССАСАЛАРИНИ ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШ”
ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

ИРҲ жамғармасининг қарз маблағларини қайтариш, шу жумладан, қўшимча ҳақ ва фойзалар, бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетни маблағлари ҳисобидан қопланади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги “Ozmedimpex” давлат муассасаси Лойиҳани амалга ошириш доирасида тендер комиссиясининг ишчи органи ва тузилган шартномалар бўйича контрагент ҳисобланади;

Лойиҳани амалга ошириш доирасида харид қилинадиган ва олиб кирадиган товарларга (хизматларга) тўла-наши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади. Бунда, солиқ ва боғжона имтиёзлари қўланиши ёки бюджет маблағлари ҳисобидан тўлаб берилиши натижасида иқтисод қилинган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишга қўшган улуши сифатида ҳисобга олинмади.

3. Қуйидагилар: “Ҳудудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳасининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

“Ҳудудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида ИРҲ жамғармасининг қарз маблағларини қайтариш, шу жумладан, қўшимча ҳақ ва фойзалар тўлашнинг прогноз жадвали 2-иловага мувофиқ;

“Ҳудудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида харид қилинадиган ва олиб кирадиган тиббий жиҳозларнинг худудлар бўйича тақсими 3, 3а-3н-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

4. Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Корей Экспорт-импорт банки ўртасида имзоланган қарз битими бўйича юридик ҳулоса берсин.

5. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖга ИРҲ жамғармаси қарзи бўйича

ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун Корей Республикасининг ваколатли банки билан банклараро шартнома имзолаш ваколати берилсин.

6. Белгилансинки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт муассасаларининг эҳтиёжлари ҳамда хатлов натижалари асосида тиббий асбоб-ускуналарнинг рўйхати, миқдори ва техник тавсифларига ўзгаришлар киритилиши мумкин.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Лойиҳа доирасида:

манфаатдор вазирлик ва идораларга зарур ҳисобот ва ҳужжатлар ИРҲ жамғармасининг талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида тайёрлаши ва тақдим этилиши;

Лойиҳани амалга ошириш доирасида Лойиҳага жалб қилиниши кўзда тутилган тиббиёт муассасаларининг самарали фаолият олиб бориши;

харид қилинадиган тиббий асбоб-ускуналар ҳамда материаллар етказиб

берилгунига қадар тиббиёт муассасаларида жиҳозларни жойлаштириш ва ўрнатиш учун тегишли биналар тайёрлаши;

тиббиёт ходимларининг етказиб бериладиган тиббий асбоб-ускуналар ҳамда замонавий технологиялар ва ахборот техника воситаларидан фойдаланиш бўйича ўқитилиши;

белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун зарур шароитларнинг яратилиши таъминласин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги: Лойиҳани амалга ошириш даврида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сўрономасига асосан товарлар ва ускуналарни сотиб олиш, белгиланган манзилга етказиб бериш бўйича хизматларни, шунингдек, Лойиҳани молиялаштириш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириш учун Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратсин;

Лойиҳани молиялаштириш учун 2024 йилдан бошлаб зарур маблағларнинг Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилиши таъминласин.

9. Ҳисоб палатаси Лойиҳа доирасида жалб этиладиган ва ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши, шунингдек, Лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларида кўзда тутилган кўрсаткичларга эришилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин.

10. Ташқи ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг виза талабномаларига биноан мазкур Лойиҳани амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий мутахассислар учун кириш визалари консуллик йиғимлари ва бошқа ҳақиқий харажатларнинг ўрни қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилиши таъминласин.

11. Ички ишлар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмасига

асосан Лойиҳани амалга ошириш учун жалб қилинадиган хорижий мутахассисларга кўп марталик виза муддатлари узайтирилиши, шунингдек, вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинишини ва унинг муддати узайтирилиши таъминласин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 31 июльЎзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ
КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

б) 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Марказда оториноларингология марказларининг бўйича тиббиёт кадрларини клиник ординатура орқали тайёрлаш ташкил қилинади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг оториноларингология бўлимлари Марказнинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий филиаллари ҳисобланади.

Марказ ва унинг худудий филиаллари тиббиёт йўналишидаги олий, профессионал ва ўрта махсус таълим муассасаларининг тегишли кафедралари учун клиник база сифатида фаолият юритади.

3. Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

илмий фаолиятга оид давлат дастурларини амалга ошириш доирасидаги грантлар;

пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида иқтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5199-сон қарорига мувофиқ,

имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш учун иқтисослаштирилган муассасаларни Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан тузилган шартнома лар асосида базавий нархларда молиялаштириш тартиби Марказ учун 2024 йил 1 январдан бошлаб татбиқ этилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб оториноларингология ва юз-жағ жарроҳлиги йўналишларидаги тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилмади.

6. 2023-2026 йилларда оториноларингология хизматини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминласин ҳамда Дастур ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот қилиб бериши.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

а) Корей Эксимбанки Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) ҳисобидан 2023-2024 йилларда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларини, Қорақалпоғистон

Республикаси ва вилоятлар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари, Тошкент шаҳар шифохоналарининг оториноларингология бўлимлари ва тиббиёт олий таълим муассасалари клиникаларини, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудий филиалларини 2-иловага мувофиқ зарур тиббий ускуналар билан жиҳозлаш учун 17 миллион АҚШ долларини йўналтирсин;

б) 2024-2025 йилларда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги тадбирларни амалга ошириш учун 8,6 миллион АҚШ долларини йўналтириш чораларини кўрсин:

Марказда “Юқори нафас йўллари аъзолари физиологияси ва патологияси”, “Эшитиш ва мувозанат аъзолари физиологияси ва патологияси”, “Фонотрият ва ринопатия” илмий лабораторияларини, симуляцион амалий лабораторияни, 5 та жарроҳлик блокни ва 60 та ўрин-жойларни замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш;

Республика иқтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида “Эшитиш заифлашувини ташхислаш, даволаш ва реабилитация муаммолари” илмий лабораториясини ташкил этиш;

Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва Республика иқтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш.

8. Белгилансинки, 2024 йилдан бошлаб:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан аудиоскрининг натижаси бўйича аниқланган заиф эшитишдан болаларни кохлеар имплантация амалиётига тайёрларки даврида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча йилга камида 2 000 та рақамли эшитиш мосламалари билан таъминлаш йўлга қўйилди;

Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг вақтинча қисқартирилган ўрин-жойлари ва штат бирликлари ҳисобидан Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг худудий филиаллари қабул-диагностика бўлимида тушуқ хизмат кўрсатадиган қўшимча оториноларинголог ва юз-жағ жарроҳи штат бирликлари киритилди.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан биргаликда оториноларингология бўйича амбулатор ва стационар шароитда ёрдам кўрсатувчи давлат тиббиёт муассасалари учун штат нормативларини қайта қўриб чиқиш ҳамда келгусида эҳтиёждан келиб чиқиш уларга ўзгаришлар киритиш чораларини кўрсин.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ хара-

жатлар 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутилиши таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида иқтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5199-сон қарори 1-бандининг “б” кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“б) қуйидагилар: 2021 йил 1 ноябрдан кўз микрохирургияси ва урология;

2022 йил 1 январдан кардиология, травматология ва ортопедия ҳамда акушерлик ва гинекология;

2022 йил 1 июлдан хирургия ва нейрохирургия;

2024 йил 1 январдан оториноларингология ва юз-жағ касалликларини йўналишларидаги тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилсин”.

12. Марказ Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй манзилида янгидан барпо қилинаётган кўп тармоқли клиника бино ва иншоот-

ларининг бир қисмига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2023 йилда Давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан Марказда реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш чораларини кўрсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2023 йил 1 август

ЭЪТИРОФ

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “Маъмурий ислохотлар доирасида маданият ва туризм соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони маданият соҳасидаги ишларни янги босқичга кўтариш, соҳа вакиллари зиммасидаги масъулиятни янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур фармонда маданият ва санъат соҳаси таълимини тизимли ислоҳ қилиш, миллий мусиқа ва театр санъати, илмий тадқиқот ишлари ва ижрочилик маҳоратининг янги тизимини жорий қилиш мақсадида муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, миллий мусиқа санъати йўналишида таълим ва илмий тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш алоҳида қайд этилди.

Ижрочилик маҳорати мактабларининг яхлит тизимини жорий этиш, бастакорлар, ҳофиз ва созандалар, бахшичилик санъати вакилларининг ноёб асарларини ноталаштирилиши, таълим жараёнининг узлуksизлиги ва узвийлиги таъминланиб, назарий ва амалий билимларни интеграция қилиш орқали мақом, бахши ва дoston ижрочилиги йўналишларида истеъдодли ёшлар селекциясини амалга ошириш каби вазифалар санъат ва маданият соҳаси педагогикасининг юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

МАДАНИЙ ИСЛОХОТЛАР ИНЪИКОСИ

Мамлакат имижининг юксалишида, унинг дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилишида маданият ва санъат соҳаси ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Соҳада мунтазам амалга оширилаётган ислохотлар самарасини ижодкор ёшларнинг халқаро майдонда эришяётган қатор ютуқлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёшларнинг ўз истеъдодини янада шакллантириш ва намоён этишида, аввало, устоз зиёлилар, санъаткор педагогларнинг меҳнатини эътироф этиш ўринлидир. Зотан, узининг ҳаёти ва сермахсул ижоди билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган устоз ижодкорлардан қанча ибрат олинса кам. Уларнинг меҳнатини қадрлаш, фаолиятини муносиб эътироф этиш эса соҳанинг мунтазам ривожланиб боришида ўта муҳим.

Мазкур тизимли ислохотлар инъикоси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ташкил этилган навбатдаги тадбирда ҳам акс этди. Шу куни Олий аттестация комиссияси томонидан маданият ва санъат соҳаси ривожига улкан ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ устозлар илмий эътироф этиш эса соҳанинг мунтазам ривожланиб боришида ўта муҳим.

ривожига ўзининг узлуksиз меҳнати, ижоди ва илмий салоҳияти билан ҳисса қўшяётган ҳамда ўз фаолияти билан намуна бўлиб келаётган устозлар ўрин олди.

Озодбек Назарбеков, Гавҳар Матқубова, Фаррух Зокиров, Замира Суянова, Гавҳар Зокирова, Мирхалил Маҳмудов, Усмонқул Азимов, Алишер Икромов, Сойибжон Ниёзов, Омонилла Ризаев, Эркинбой Рўзматов, Оролмирозо Сафаров ва бошқа кўплаб эл ардоғидаги инсонларнинг ушбу рўйхатдан жой олгани санъат соҳаси вакилларини, ижодкор зиёлиларни, устозлардан ибрат олиб келаётган барча ёш ижодкорларни бирдек мамнун этди.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган қизгин ислохотлар санъат ва маданият соҳаси вакилларини ҳам тўлқинлантириши шубҳасиз. Дарҳақиқат, маданият ва санъат жамиятнинг илгор фикри бўлиши, яратувчанликка интилиши, инсонларнинг яхшилик ва зғуллиқка эш бўлишига таъсир этувчи катта кудир. Маданий ислохотларнинг амалга



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ошишида соҳага қалб қўрини бағишлаган устозлар биз учун ҳамisha қадрлидир.

— Бугунги кунда маданият ва санъат оламидаги ўзгаришлар ниҳоятда жадал.

Соҳада кўплаб иқтидорли ёшлар етишиб чиқаятгани ва улар нафақат юртимиз, шунингдек, жаҳон санъати саҳналарида ҳам муваффақият қозонаётгани бизни

мамнун этади. Бу, аввало, уларга таълим бераётган етук мутахассислар, педагоглар жамоасининг меҳнатлари самарасидир, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров.

Олий аттестация комиссияси томонидан доцент илмий унвони ҳам муносиб эгаларига топширилди. Бу қаторда Жаҳонгир Қосимов, Ҳилол Насимов, Ёлқин Туйчиев Ашурвали Жураев, Камолдин Уринбоев, Қозим Қанонов, Қўчқор Норқобилов, Қурсия Эсанова, Ҳамидулло Ҳасанов, Хуррият Исроилова, Гулгина Зокирова, Шарапатдин Лахратдинов каби таниқли ижодкорлар бор.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти республикамизда таълимнинг аънаваний ва инновацион услубларини моҳирона кўплаб келаятган, илмий салоҳияти йилдан-йилга ўсиб бораётган етакчи олий таълим муассасаларидан бири сифатида эътироф этиб келинади. Мамлакатимиз маданият ва санъат соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшишда институт профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи олимлар ва ижодкор ёшлар доим елкадош ва ҳаммаслақдир.

Элдор ШЕРМАНОВ,
Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти
ректори в.б.

НУҚТАИ НАЗАР



Икромжон РАХМОНОВ,
Тошкент давлат техника
университети кафедра
мудир, техника фанлари
доктори

Бошланғичи 1-бетада

Масаланинг яна бир жиҳати борки, бу истеъмол қилинаётган энергия ресурсларидан фойдаланишнинг мақсадлилиги ва самардорлигини назарда тутати. Масалан, хорижий давлатларда турар жой секторига 1 метр квадрат ҳудудга тўғри келадиган солиштирма электр энергияси сарфи 120-150 киловатт-соатни ташкил этса, Ўзбекистонда 390-400 киловатт-соатга етади. Демак, мамлакатимизда электр энергияси истеъмоли хориждагидан деярли 3 баробар юқори. Бу каби қийсий кўрсаткичлар бошқа йўналишлар бўйича таҳлил қилинса ҳам шундай ҳулосага келиш мумкин. Албатта, чет элда энергия сарфининг бу қадар камлигини кундалик турмуш тарзида аҳолининг энергия тежовчи ва энергия самардорлиги юқори қурилмаларни ишлатиши билан асослаш мумкин. Бироқ барибир энергия сарфидида қийсий кўрсаткичлар ўртасидаги бундай тафовут истеъмолчиларнинг энергия тежаш маданияти билан ҳам тавсифланади.

Мазкур йўналишдаги тадқиқотлар натижасига кўра, айнан аҳоли турар жойларида энергияни тежаш имконияти 20-30 фоизни ташкил этади. Яъни бугун истеъмолчилар, жумладан, аҳолининг электр энергиясидан самарасиз фойдаланаётгани, зарурат бўлмаса ҳам электр жиҳозларини ишлатиши, ёритиш тизимларининг узлуксиз ёниб туриши истеъмолчи охишига олиб келмоқда. Мазкур рақамлар битта истеъмолчи ёки бир хонадон мисолида у қадар катта кўрсаткич эмасдир, лекин электр энергиясидан фойдаланувчи абонентлар сони 7,3 миллион экани ҳисобга олинса, ҳазилакам рақам ҳосил бўлмаслиги тушунарли. Суткалик, ҳафталик, ойлик ва йиллик тежалган электр энергиясидан бошқа йўналишларда мақсадли фойдаланилса, самардорлик анча ортади.

Шу ўринда савол туғилади: талаб ортиб бораётган бир паллада истеъмолчиларни узлуксиз сифатли электр энергияси билан таъминлаш йўналишида олдимизда турган вазифалар нималардан иборат?

Етти йилда 49 фоиз ошади

Энергетика вазирлиги маълумотларига кўра, 2022 йилда электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси 74,3 миллиард киловатт-соатни ташкил этган. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 124 миллиард киловатт-соатга етиши ёки бугунгига нисбатан 49 фоиз ошиши прогноз қилинмоқда. Агар мазкур кўрсаткич ишлаб чиқариш қувватига мос равишда бугун энергетика тизимининг ўрнатилган қуввати 18 гигаваат экани ҳисобга олинса, 2030 йилда бу кўрсаткич 35,4 гигаваатга етиши ёки 2 баробар ошиши кутилмоқда.

Прогнозлар кўрсатишича, келгуси етти йилда бугунги 40 фоизга яқин маънан ва жисман эскирган энергия қурилмаларини фойдаланувдан чиқариш билан бирга, энергетика тизими қувватини 17,4 гигаваатга ошириши

ЭНЕРГЕТИКА

Бозор муносабатларига ўтишнинг зарурати ва аҳамияти нечоғлиқ?

зарурати мавжуд. Бунда бугунги энергетик мувозанат кўрсаткичлари билан таққослаганда, иссиқлик электр станциялари қувватини 15,4 гигаваатдан 19,6 гигаваатга, ГЭСлар қувватини 2,2 гигаваатдан 3,8 гигаваатга, қайта тикланувчи энергия манбалари қувватини 0,2 гигаваатдан 10 гигаваатга ошириш талаб этилади.

Энергия ресурсларига талаб ортиб бориши шароитида мамлакат энергетика хавфсизлигини таъминлаш масаласи устувор йўналишлардан дидир. Масаланинг ечими фақат янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш билангина ҳал этилмайди. Чунки талаб доимий равишда қаррасига ортиб бормоқда. Биргина мисол: бугун Ўзбекистон дунёда аҳоли сони бўйича 41-ўринда туради ва бу борада 50 та етакчи мамлакат қаторига кирди. 2030 йилга бориб юртимиз аҳолиси 40 миллионга етиши прогноз қилинган. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатишда электр энергиясига талаб охишига олиб келади. Хўш, бундай шароитда ундан фойдаланиш самардорлигини оширишда қандай механизмлар мавжуд? Бу борадаги халқаро тажриба ва юртимиздаги жорий ҳолат қай даражада?

Арзон нарса бекадр(ми)?

Бугун энергия самардорлиги ва тежамкорлиги бўйича юқори кўрсаткичларга эга хорижий давлатларда электр энергияси нархини таҳлил қилсақ, уларда нечоғлиқ юқори қийматда эканини кўриш мумкин. Масалан, 1 киловатт-соат электр энергияси нархи Германияда — 62 цент, Японияда — 24,5 цент, Хитойда — 7,6 цент, Россияда — 5,5 цент, Озарбайжонда — 4,7 цент, қўшни Қозғистонда — 4,8 цент. Ўзбекистонда эса 2,5 цент. Яна бир маълумот: электр энергияси нархи арзонлиги бўйича Ўзбекистон дунёда 13-ўринда туради.

Энергия ресурслари истеъмолини камайтириш борасида, аввало, юқори харажат талаб этувчи чора-тадбирлар ва уларни молиялаштириш манбаларини обдон ўйлаб кўриш керак. Чунки юқори харажатлилиги туфайли доим ҳам ҳамма нарса етарли даражада амалиётга жорий қилинмайди. Бундай шароитда энг мақбул йўл энергетикада бозор муносабатларига ўтиш ва энергия ресурслари нархини эркинлаштиришдир.

Улгуржи рақобатдош бозорнинг жорий ҳолати

Бугун мамлакатимизда электр энергиясининг улгуржи рақобатбардош бозорига ўтиш йўналишида қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, Энергетика вазирлиги маълумотига кўра, электр энергиясининг улгуржи рақобатбардош бозорига изчил ўтишни назарда тутувчи концепция ишлаб чиқилган бўлиб, у уч босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқичда электр энергияси ишлаб чиқариш қорхоналарини эркинлаштириш ва ишлаб чиқариладиган электр энергиясини сотишни ихтиёр этган хусусий (мустақил) ишлаб чиқарувчилар лицензия олиши кўзда тутилган.

Иккинчи босқичда электр энергиясини тақсимлаш тизимининг ягона оператори яратилади. Электр энергиясини истеъмолчиларга сотишга оид вазифалар эса аста-секин етказиб берувчиларга ўтказилади. Истеъмолчилар электр энергиясини савдо онлайн платформаси ёхуд инсталланган етказиб берувчи орқали харид қилиш имкониятини қўлга киритади. Бу вақтда юқори



Учинчи босқичда "кун ичи (соатбай) савдолар" қўлланади. Унга биноян, режали асосда савдо майдончасида соатбай ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган электр энергиясининг орткича ёки етмаган ҳажми онлайн олди-сотди қилинади.

Энергетикада бозор муносабатларига ўтиш, энергия ресурслари нархини эркинлаштириш масаласига Президентимиз ҳам алоҳида тўхталиб, жумладан, бундай деганди: "Энергетика соҳасида рақобатбардош улгуржи бозорни шакллантириш, хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратиш ва шу орқали электр энергиясига ўсиб бораётган талабни мақбул нархларда қондиришни асосий вазифа эди бўлиши керак. Шу тариқа 2025 йилгача юртимизда камида 50 фоиз электр энергиясини хусусий электр станцияларида ишлаб чиқариш учун барча имкониятларни яратиб берамиз".

Энергетика вазирлиги маълумотларига кўра, бугунга келиб иссиқлик, қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича хорижий инвесторлар билан қиймати 16,6 миллиард долларга тенг 34 та битим имзоланган. Ушбу битимлар асосида 19,5 гигаваат қувватга тенг янги электр станциялари ишга туширилади. Электр энергиясини мустақил ишлаб чиқарувчилар қаторида Total Eren SA (Франция), Abu Dhabi Future Energy Company — Masdar (БАА), Akse Enerji Üretim A.Ş ва Cengiz Enerji San. ve Tic. A.Ş. (Туркия), ACWA Power (Саудия Арабистони), Siemens Energy (Германия), EDF (Франция), Stone City Energy (Нидерландия), Gezhouba Overseas Investment Group (XXP), Tepelen Group AG (Швейцария) каби компаниялар бор.

Табақалаштирилган тарифлар

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий омилларидан бири нархларни эркинлаштиришдир. Мавжуд энергия ресурсларидан самарали фойдаланишда эса табақалаштирилган тарифлар тизимини қўллашнинг самардорлиги хориж тажрибасида аллақачон тасдиғини топган. Табақалаштиришда энергия ресурслари истеъмоли учун тўловлар сутканинг турли даврида турли тарифлар асосида ўрнатилиши ҳисобга олсак, электр энергетикаси тизимининг максимал юклама соати вақтида, яъни сутканинг тариф юқори бўлган пайтда тўлов юқорилигини билган аҳоли энергия истеъмолини чеклайди. Бу вақтда юқори

эҳтиёж бўлмаган электр жиҳозларини ишлатмайди.

Электр энергетикаси тизимининг юкламаси минимал вақтда, яъни сутканинг тариф паст бўлган даврида аҳоли истеъмоли охиши энергетика тизими учун ҳам, аҳоли учун ҳам манфаатлидир. Бу, ўз навбатида, энергетика тизими қурилмалари, электр узатиш линиялари ва трансформаторларнинг узок муддат ва саз ҳолатда ишлашига имкон беради. Албатта, бу каби тизимлар жорий этилиши вақт талаб этади. Аввало, миллий эҳтиётдан келиб чиққан ҳолда барча омилларни ҳисобга олиш ва истеъмолчиларни мазкур ўзгаришларга тайёрлаш даркор. Лекин бир жиҳат аниқки, мазкур тизим хорижий мамлакатларда ўзини тўла оқлаган. Бунда энергетика тизими билан бирга истеъмолчи катта манфаатдорликка эга эканини унутмаслик лозим.

Табақалаштирилган тарифларга ўтишнинг дастлабки босқичи сифатида 2022 йилда энергия ресурслари истеъмоли бўйича "ижтимоий норма" тизимини жорий этиш масаласи кўтарилган, бу бўйича ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланиб, муҳокамага қўйилган эди. Кейинчалик мазкур тизимни жорий этиш муддати кечиктирилди. "Ижтимоий норма"нинг амалиётга киритилиши энергия ресурслари истеъмолида сезиларли ижобий ўзгаришларга олиб келармиди? "Ижтимоий норма"нинг ижтимоийлиги нимада?

"Ижтимоий норма"ни жорий этиш зарурати

"Ижтимоий норма" тизимини жорий этиш, аввало, энергия ресурслари нархининг бозор нархларига ўтиши билан тавсифланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил май-июнь ойларида муҳокамага қўйилган "Ёқилги энергетика ресурсларининг нархларини ўзгариштириш тўғрисида"ги қарори лойиҳасига мувофиқ, 2022 йил 1 июлдан электр энергияси ва газ истеъмоли учун нархларни "ижтимоий норма" асосида белгилаш кутилган эди. Лойиҳага кўра, амалдаги нархлар оширилиши, шунингдек, белгиланган нормадан кўпроқ ишлатилган қўшимча ҳар бир киловатт-соат электр энергияси учун 2 баробар ҳақ тўлаши керак эди. Яъни аҳоли истеъмоли учун ойига 250 киловатт-соатгача электр энергияси меъёр деб белгиланиб, 1 киловатт-соат учун 325 сўмгача имтиёзли нарх қўлланади. Бундан юқори ҳар бир киловатт-соат учун эса 650 сўмдан тўлаш, яъни бозор нархини қўллаш тақдир этилган. Мазкур қарор энергия ресурслари нархини эркинлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш йўлидаги дадил қадам эди.

Айнан мазкур тизим "кўп истеъмол — кўп тўлов" тамойили асосида шакллантирилган. Энергия ресурслари истеъмоли бўйича белгиланган меъёр ўртача кўрсаткич бўлиб, аксарият аҳолининг ойлик истеъмоли ундан ошмайди. Маълумотларга кўра, истеъмолчиларнинг 80 фоизи ойига ўртача 200 киловатт-соатгача электр энергияси

ишлатади. Лекин аҳоли истеъмол қилладиган жами электр энергиясининг бор-йўғи 31 фоизи хонадонлар ҳиссасига тўғри келади. Яъни аҳоли истеъмоли 200 киловатт-соатдан юқори бўлган 20 фоиз аҳоли ишлатади. Бундан кўриш мумкинки, аҳолининг жуда кам қисми электр энергиясининг асосий қисмидан фойдаланади.

Мазмунан қаралганда, "ижтимоий меъёр" тизими жорий этилиши аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ҳар бир киловатт-соат электр энергияси учун давлат бюджетдан муайян миқдорда субсидия ажратилади. Ижтимоий норма мазкур

"Ижтимоий норма" тизими тарғиботида ҳам шу каби бўшлиқлар кузатилади. Тарғибот етишмади. Расмий маълумотлар кўп берилди, лекин содда ва аниқ видеороликлар, мазкур тизим жорий этилишидан аввал ва жорий этилганидан кейин унинг тўлов ҳолатига таъсир кўрсатиши жараёни халққа етарлича етказилмади. Тан олиб айтиш керак, энергия ресурслари нархи билан боғлиқ ҳар қандай ўзгариш доим ҳам ижобий кутиб олинмайди. Лекин бу ўзгаришлар фақат ва фақат халқ манфаатидаги хизмат қилишини етказиш ҳамда тушунтириш лозим. Бу, ўз навбатида, аҳолининг энергия ресурсларидан фойдаланиш маданияти охишига ва энергия ресурслари истеъмоли учун тўлов тизимида "кўп истеъмол — кўп тўлов" тамойили қўлланишига олиб келади. Шу ўринда истеъмолчиларга "Пул ўзингизники, лекин ресурслар барчамизники", деган иборани эслатиш лозим.

Хулоса ўрнида

Бугун Ўзбекистон барча соҳада илдам одимламоқда. Буни дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Қайси соҳани олиб қараманг, ривожланиши кўрасиз. Асосий жиҳатни ҳам унутмаслик керак — барча соҳалар ривожини мамлакатнинг энергетик мустақиллиги ва барқарорлиги билан ифодаланади. Ҳар бир воқеани — бир дарс, сабоқ асплади. Сўнгги вақтларда энергетика тизимида кузатилаётган қисқа муддатли ва мавсумий тақчилликдан тўғри хулоса чиқариш лозим. Бу фақат ишлаб чиқариш қувватини кўпайтириш билан ҳал этиладиган масала эмас. Сабаби, сўнгги беш йилда электр энергиясини ишлаб чиқариш 1,3 баробар оширилди. Лекин тизимдаги муаммолар тўла-тўқис бартараф этилгани йўқ. Шундан келиб чиқиб, тизимнинг асосий бўғини



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ҲИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

субсидияларни аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки электр энергияси истеъмоли минимал бўлган аҳоли қатламига йўналтириши назарда тутади.

Ҳозирча мазкур тизимни жорий этиш кечиктирилган. Лекин юқоридаги таҳлиллардан кўриш мумкинки, "ижтимоий норма" тизимининг жорий этилиши электр энергиясини бозор нархида сотиш ва унинг сотувидан фойда қуриш орқали янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, электр тармоқларини модернизация қилиш имконини беради. Бу каби ўзгаришлар пировардда, электр таъминоти тизими барқарор ишлашига замин яратилади.

Тарғибот — энг яхши восита

Одатда муайян турдаги ислохотлар аввалида омма орасида турли ёндашувларга дуч келинади. Аксариятда жорий этилиши режалаштирилган ислохот тўғрисида нотўғри фикрлар мавжуд бўлиб, уларнинг моҳияти ва мазмуни батафсил тушунтирилгандан сўнгра фуқаролар нотўғри ўйлаганини тан олади. Тажриба кўрсатадики, ҳар қандай соҳадаги янгилик ва ўзгаришларнинг туб мазмун-моҳиятини аҳоли орасида тарғиб қилиш ислохотларнинг муваффақиятини белгилайди. Бугун медиаолам ривожланаётган бир шароитда соҳадаги янгилик ва ўзгаришларни аҳолига содда, тушунарли етказиш, асосий векторни ислохотларнинг инсон қадрини ва манфаатларига йўналтириш лозим.

бўлган истеъмолчиларнинг шахсий масъулиятини ошириш, энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва, асосийси, бозор муносабатларига ўтиш жараёнини тезлаштириш олдимиқдаси қўйилган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишига замин яратилади.

Энергетикада бозор муносабатларига ўтиш учун муайян ишлар бажарилган ва улар давом эттирилмоқда. Лекин бугунги шиддатли замонда бу масалада қатъийроқ бўлиш талаб этилади. Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий механизмларини яратиш борасидаги ишларни кун тартибига олиб чиқиш лозим.

Хусусан, бозор муносабатларини тартибга солишда асос бўлувчи "Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририни яратиш билан боғлиқ ишларни ҳамда Электр тармоқлари кодекси (Grid Code) ва электр энергияси бозори моделини ишлаб чиқиш жараёнини яқинида етказиш мақсада мувофиқ. Электр энергияси бозори модели ва бозор муносабатларига ўтиш концепциясини ишлаб чиқиш соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўлмоғи даркор. Зеро, энергетикада бозор муносабатларига ўтиши даврнинг ўзи талаб этмоқда. Чунки рақобат муҳитидаги ривожланиш бор. Тизимнинг бозор муносабатларига ўтиши эса мазкур рақобатнинг пайдо бўлишига, натижада истеъмолчиларни сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга асос бўлади.

МУТАХАССИС МИНБАРИ

РИВОЖЛАНАЁТГАН ДАВЛАТЛАРДА КЎПРОҚ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМГА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИЛГАНДА САМАРАГА ЭРИШИЛГАН. САБАБИ, БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ОЛИШГА ИМКОНИАТ ЯРАТИЛМАСА, ЎҚИТИШ СИФАТИ ТУШИБ КЕТСА, ДАВЛАТ КАМБАҒАЛЛАШАДИ. ЯЪНИ АҲОЛИНИ КАМБАҒАЛЛИҚДАН ЧИҚАРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ВА УЗОҚ МУДДАТГА МЎЛЖАЛЛАНГАН САМАРАЛИ ЙЎЛАРИДАН БИТТАСИ БОШЛАНҒИЧ ВА ЎРТА ТАЪЛИМГА КЎПРОҚ ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИШДИР.

ТАЪЛИМГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯ

фаровонликка эришишнинг энг тўғри ва самарали йўлидир



Барно САНАҚУЛОВА, Тошкент молия институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

Бошланғич 1-бетда

Бу давлатнинг инсон капиталига, таълимга йўналтирилган инвестиция стратегиясини тубдан кўриб чиқиш масаласини кун тартибига қўйяпти. Чунки бугун дунё мавжуд касбларнинг қарийб 80 фоизи ўрнини сунъий интеллект эгаллаши арасида турибди. Ислохотлар илмга, илмий таҳлилларга таянилсагина қисқа ёки узоқ муддатли самарасини беради. Илмга таянилмаган ислохотнинг натижаси жуда қимматга тушиб бор гап. Бугун таълимга бесама пул тикишга, хато қилишга ҳаққимиз йўқ.

Давлатларнинг ривожланганлик даражасига қараб таълимга йўналтирилган инвестициянинг самара бериши ҳар хил бўлади. Айтилик, ривожланган мамлакатларда олий таълимга тикилган инвестиция жуда тез самара бергани ҳақида мисоллар бор. Ривожланаётган мамлакатларда эса олий таълимга киритилган сармоя иқтисодий ўсишда акс садо беради. Олий таълимга қилинган харажат натижасида муайян даражада ақл эгаларига эга бўлиш мумкин. Лекин уларга муносиб

кўпроқ инвестиция киритишди. Шу маънода, мамлакатимизда инсон капиталига, таълимга қаратилаётган эътибор илк натижаларини кўрсата бошлади. Биргина мисол, болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга ошди. Олий таълимда эса қамров 9 фоиздан қарийб 40 фоизга етди. Лекин барибир қамраб олинмаган 60 фоизни эсдан чиқармаслик керак. Бу 60 фоиз йигит-қиз бошланғич ва ўрта таълимда қандай бил-им олган ва салоҳиятга эга бўлган бўлса, демек, бир умр шу савия билан қолиб кетади, дегани.

Таълимга киритилган инвестиция бирдан самара бермайди. Камда 5-10 йил кутиш лозим. Шундан кейин яққол натижани кўриш мумкин. Бугунги ҳолатимиз бундан 10 йил олдин қаратилган эътибор ва сарфланган маблағнинг ҳосиласи. Бу борада таҳлилий маълумотларга таяниб, шубҳасиз, мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни бугун Ўзбекистоннинг ривожланганлик даражасига қараб таълимнинг қайси бўлинига инвестиция киритилиши аниқлаштирилса, маблағ самарали сарфланади.



фақат бизнес сифатида қараётган, яъни узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқмаган бўлиши хавфи мавжуд. Муайян муддатдан кейин ёпилиб кетиши ҳам мумкин. Бундай пайтда давлат ўзини қандай тутади? Хусусий ОТМлар битирувчиларининг иш билан таъминлини қандай, деган савол ҳам кун тартибига қўйилиши керак.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛИШ УЧУН ХОРИЖГА КЕТГАН ЕШЛАРНИНГ ҚАЙТИШ ЭХТИМОЛИ КАМАЙИБ КЕТАДИ. БУ ЭСА БУГУН ТАЪЛИМГА КИРИТИЛАЁТГАН ИНВЕСТИЦИЯ МАҲСУЛИНИ КЎРИШ ЭХТИМОЛИ КАРАСИГА КАМАЙИБ КЕТАДИ, ДЕГАНДИР. ЎН ЙИЛДАН КЕЙИН БУ КАДРНИНГ ҚАЙТИШ КЕЛИШИГА ҲЕЧ КИМ КАФОЛАТ БЕРМАЙДИ. ШУ БОИС, БУГУН МАНА ШУ КАБИ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧАЁТГАНДА РАКУРСНИ ТАЪЛИМ ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШ МАСАЛАСИНИ КУН ТАРТИБИГА ҚЎЙИШГА ҚАРАТИШИМИЗ КЕРАК.

Энг долзарб масалалардан бири шуки, бугун биз кадрлар тайёрланаётган йўналишларни сунъий интеллект кириб келиши нукта назаридан, иқтисодиётни рақамлаштириш ракурсида қайта кўриб чиқишимиз лозим. Таълимнинг ҳар бир босқичида фалсафамизни аниқ, лўнда қилиб олишимиз шарт. Бошланғич таълимда нима ўргатишимиз керак? Бола қандай кўникмани эгаллаб кетиши зарур? Ўрта махсус ёки олий таълимда қандай бил-им ва кўникмаларни ўзлаштириши лозим? Ҳар бирига инсон капиталини ривожлантириш учун қўйиладиган кетган ешларнинг қайтиш эҳтимоли камайиб кетади. Бу эса бугун таълимга киритилаётган инвестиция маҳсулини кўриш эҳтимоли каррасига камайиб кетади, деганидир. Ўн йилдан кейин бу кадрнинг қайтиб келишига ҳеч ким кафолат бермайди. Шу боис, бугун мана шу каби масалаларни ечаётганда ракурсни таълим орқали камбағалликни камайтириш масаласини кун тартибига қўйишга қаратишимиз керак. Албатта, ҳар бир хатти-ҳаракатимиз илмий ёндашувга асослангани лозим. Чунки баъзи илмий изланишларга кўра, бир йил олинган таълим инсоннинг ҳар йиллик даромадини 10 фоиз ошириши исботланган. Муайян вақтдан кейин бир йил бил-им олишнинг олийк даромадининг ошишини кафолатлайди. Бундан давлатнинг ўзи ҳам манфаатдор. Сабаби, даромадининг ошгани аҳоли даромади улуши тўлиқ назорат қила олмаслиги эҳтимоли бор. Хусусий сектор эса таълим билан боғлиқ бўлган йўналишларга

Бундан ташқари, хусусий таълим билан давлат ракурси қандай бўлиши керак? Яъни давлат бугун ўз функцияларини, вазифаларини хусусий секторга юклашга тайёрми? Чунки эртага бунинг маҳсулини яна давлат куради. Массулията хусусий секторга юкланганидан кейин назорат ҳам давлат қўлидан кетиши мумкин. Хукумат хусусий секторда берилаётган бил-им, кўникма ва малака сифатини тўлиқ назорат қила олмаслиги эҳтимоли бор. Хусусий сектор эса таълим билан боғлиқ бўлган йўналишларга



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Бундан ташқари, хусусий таълим билан давлат ракурси қандай бўлиши керак? Яъни давлат бугун ўз функцияларини, вазифаларини хусусий секторга юклашга тайёрми? Чунки эртага бунинг маҳсулини яна давлат куради. Массулията хусусий секторга юкланганидан кейин назорат ҳам давлат қўлидан кетиши мумкин. Хукумат хусусий секторда берилаётган бил-им, кўникма ва малака сифатини тўлиқ назорат қила олмаслиги эҳтимоли бор. Хусусий сектор эса таълим билан боғлиқ бўлган йўналишларга

одамлар 40, ҳатто 50 ёшда ҳам малака ошириш, билим ва кўникмасини янгилаб боришга мажбур. Кадрлар бозорига иш ўрнини бой бериб қўйишни истамаган инсон пенсия ёшига қадар ўз устида тўхтовсиз ишлашни даврнинг ўзи талаб қилапти.

Бугун бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: давлат узоқ йиллардан буюн долзарб бўлган масалага ижобий ечим топди. Хусусий таълимга кенг йўл очиб берди. Шу билан олий таълим олишга бўлган эҳтиёжга ечим топди. Чунки аввалги 9 фоизлик қамров жуда кам эди. Қарийб 90 фоиз ёш илмий таълим билан қамраб олишга имконият йўқ эди. Пировардида, бу йигит-қизларни йўқотаётган эдик. Мана шу ҳолатни давлат тўғри баҳолади. Энди бунинг самарасини тез орада кўраимиз.

Бугун бизда олий таълим харажати айрим қўшни давлатларга қараганда бир оз қимматлигининг асосий сабабларидан бири бинолар, доимий чиқимлар билан боғлиқ. Мана шу ўринда давлатнинг фаол иштироки катта аҳамиятга эга. Масалан, фойдаланилмай, бўш турган касб-хунар коллежларини узоқ муддатга арзон нархда хусусий олий таълим муассасаларига бериш мумкин. Парламент сўрови ўтказилиб, мамлакат бўйича бўш турган касб-хунар коллежлари реестри шакллантирилса, нур устига нур бўларди. Уларнинг бўш турган биносини хусусий олий таълим муассасаларига узоқ муддатли ижарага бериш орқали ҳозирги таълим харажати каррасига камайитириш ва четга чиқиб кетаётган инвестицион оқимдаги пулни ўзимизда қолдириш мумкин.

Кимда инсон капитали юқори бўлади? Албатта, эркин, танқидий-таҳлилий фикрлай оладиган, билим ва кўникмаларга эга инсонда. Мана шу ўринда яна бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз талаб этилади: инсон капитали шаклланишида асосий пойдевор мактабгача, бошланғич ва ўрта таълимда қўйилади. Бугун дунё илм-фанида тақдим этилаётган илмий изланишлар мактабгача ва умумий ўрта таълимга пойдевор қўймай туриб, бирор натижага эришиш мушкуллигини тасдиқламоқда. Шу нуктага назардан, мамлакатимизда салмоқли инвестицияни мактабгача ва мактаб таълимга йўналтириш ёндашувлари ўзини оқлайди.

Бу масалада статистикани келгон гапиртириш ўзимизга зиён келтирмади. Ўқитувчиларга муносабатини ҳам тубдан ўзгартиришимиз талаб этилмоқда. Бугун мамлакатимизда мана шу масала қизгин босқичга киряпти. Педагоглар мақомини ва маошини ошириш борасидаги сазъ-ҳаракатлар эътирофга лойиқ. Бу борада давлат зиммасидаги вазифани аъло даражада удралаяпти. Аммо юртдошларимиз англаб, бажариши зарур бўлган ишлар кўп олдинда.

Дунёда бундай амалиётлар бор: агар бирор ўқитувчини рағбатлантириш зарурати пайдо бўлса, 5-10 йил олдин ундан таълим олган ўқувчиларидан сўралади. Чунки муаллимнинг меҳнати, салоҳияти ўқувчи ва талабаларнинг ҳаётида акс этади. Башарти педагогнинг билимидан талаба ёки ўқувчи ҳаёти давомида фойдаланган бўлса, демек, бу ўқувчи ҳақиқатан ҳам кучли ва рағбатга муносиб. Назаримда, муаллимнинг салоҳиятини моддий қўллаб-қувватлашга шундай ракурсда қаралса, ўқитувчи ўз устида, албатта, ишлайди. Бор билими ва ғайратини ўқувчиси учун фидо қилади. Чунки эртага унга ўқувчининг ҳулоасига асосан баҳо бериллади. Шунга қараб жамиятда ўрни белгиланади. Шу боис, ўқувчи ва тиббиёт ходимлари энг кўп ойлик оладиган жамиятни кўпчилик орзу қилади. Ўқитувчилар сертификат, гувоҳномалар ортидан эмас, билим, янгиликлар ортидан қувшин керак. У мажбуриликдан эмас, манбани асл ҳолатда ўқиш, янги билим ортириш учун бир неча тилни билиши ва ўз устида ишлаш лозим. Мана шу тизим йўлга қўйилса, 2030 йилга бориб таълим билан боғлиқ стратегик вазифаларнинг салмоқли қисмини ҳал қилган бўлаимиз. Ўз навбатида, бу юқори интелектуал салоҳиятга эга авлодининг даромади тўғрироқ атрофдаги бир қанча тузилма кун кўради. Шу боис,

ЮКСАЛИШ ПАЛЛАСИ

АЛЛОМА АЖДОДИМИЗ Орзулари бугунги ёшлар тимсолида ушалмоқда

Мамлакатимизда ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларнинг жаҳон стандартлари асосида билим олишини қўллаб амалга оширилаётган сиёсат Тараққиёт стратегиясидаги муҳим ташаббуслардан биридир. Таълим сифатини юксалтиришга қаратилаётган эътибор ҳамда соҳа ривожига учун ажратилаётган сармоя эса узоқни қўллаб белгиланган мақсадлар инькосидир.



Пўлатхон ЛУТФУЛЛАЕВ, Наманган давлат чет тиллар институти ректори вазифасини бажарувчи

Президентимизнинг 2022 йил 9 июндаги қарорига асосан, маърифатпарвар олим, бир неча тилни билган Исоҳқон Ибротнинг ёрқин хотираси ҳамда номи абадийлаштириш, хорижий тилларни муқаммал эгаллаш, чуқур билимга эга, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш мақсадида Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида Чет тиллар институти ташкил этилган эди. Олий таълим муассасаси сифатида эътироф этилган таълим даргоҳи Исоҳқон Иброт номидаги Наманган давлат чет тиллар институти сифатида юридик шахс мақомини олди. Халқаро баҳолаш дастурлари (PISA, TALIS, PIRLS)дан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг замонавий

битирувчи ҳар икки тил бўйича кейинги фаолиятини давом эттириш имкониятига эга бўлади. Мазкур тажриба бўлғуси касб эгасининг меҳнат бозоридagi рақобатбардошлигини таъминлайди. 2023/2024 ўқув йилидан айтириентлар танлов қамрови оширилди. Корейс, хитой, япон, араб, форс тиллари, шунингдек, компьютер лингвистикаси таълим йўналишларига ҳужжатлар қабул қилинди. Магистратура босқичида баъдий таржима (инглиз тили), синхрон таржима (инглиз тили) мутахассисларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Барча йўналишларда ўқийётган талабалар сифатли билим олиши учун ахборот-ресурс базаси хорижий ўқув, баъдий ва илмий адабиётлар билан бойитилапти.

Президентимиз қароридида институтга 1 000 ўринли янги ўқув биноси ва 400 ўринли талабалар турар жойи қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан зарур ер участкаси ажратилиши белгиланган эди. Мазкур топшириқ ижросининг амалий ифодаси сифатида Давлатобод туманидаги Янги Наманган шаҳарчаси ҳудудида 5 гектар майдон ажратилди. Яқинда Наманган давлат чет тиллар институтининг янги ўқув биноси, ахборот-ресурс маркази ва фаоллар зағли, талабалар турар жойи, ошхона, очик ва ёпиқ кўринишдаги спорт мажмуаси қурилиши учун вилоят ҳокими бошчилигида қатор ташкилотлар раҳбарлари, илм ахли, ОАВ ходимлари ва ёшлар иштирок этган тадбирда тамал тоши қўйилди. Қурилуш ишлари учун тендер ўтказилиб, давлат бюджетидан умумий ҳисобда 100 миллион сўм ажратилган. Лойиҳа икки йилга мўлжалланган бўлиб, биринчи қисми 365 кун ораллигида тайёр ҳолга келтирилиши ҳамда 2024 йил 1 август кунини фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Институтининг айна пайтда фойдаланилаётган биноси ва ишхоналарида реконструкция ҳамда жиҳозлаш жараёни кетмоқда. Исоҳқонтура Ибротга ҳурматнинг



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

шакллари ҳамда методларини жорий этиш, юқори билим ва кўникмаларга эга, олий маълумотли мутахассислар ва илмий педагог кадрларни тайёрлаш институтининг асосий йўналишларидан.

Шунга асосан, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб ОТМнинг 9 та бакалаврият таълим йўналиши ва 5 та магистратура мутахассислиги бўйича айтириентлар қабул қилинди. Айна пайтда 500 га яқин йигит-қиз биринчи курсни муваффақиятли тамомлади. Қисқа муддатда Италиянинг Пиза, Саннио, Калабрия университетлари, Жанубий Кореянинг Ханжук чет тиллар университети, Россиянинг Удмурт давлат университети, Руминиянинг Орадия университети, Қирғизистоннинг Ўш давлат университети, Ўш технология университети, Польшанинг Транспорт ва Логистика халқаро университети, Ньса амалий фанлар университети, Торуандаги Николай Коперникус университети, Острава университети ва Тошкент француз альянси билан меморандумлар имзоланиб, академик ва илмий ҳамкорлик, ўқувчи ва талабалар алмашинуви бўйича келишувга эришилди. Шунингдек, Малайзиянинг менежмент ва илм-фан университети, Туркиянинг Адияман, Кастамону, Гулисим университети, Испаниянинг Хавула университети ва Ҳиндистоннинг Инглиз ва чет тиллар университети билан ҳамкорлик меморандуми имзоланган.

ёркин ифодаси, шунингдек, ёшларнинг улғу ватандошининг меросини ўрганиш, унга муносиб ишорат бўлишига интилишини ошириш мақсадида унинг номи билан аталувчи ОТМ, ижод мактаби, мажмуа ва хабарот, "Қағон қурбонлари хотираси" музейи бугун бун ҳудудда жамланди.

Исоҳқонтура Ибротнинг келажакка мустақам ишонч, миллат руҳиятига кўтаринчилик бахш этувчи ғоялари ҳозир ҳам амалий аҳамиятини йўқотмаган. Олим оламда юз бераётган интеграция жараёнини тубдан англаб, миллат ва ўзгаришларга тайёр турмаса, илм, хорижий тил ва техникани ўрганмаса, дунё саҳнидаги ўрнини йўқотиб қўйиши мумкинлигини ўша даврдаёқ англаган Иброт орзу қилган интилувчан, ҳар соҳада билимдон, фидойи ёшлар эса бугун юртимизнинг ёруғ келажакни барпо қилиш йўлида сабот билан меҳнат ва ижод қилмоқда.

Халқимиз, хусусан, ёшларнинг хорижий тиллар, ахборот технологияларини ўзлаштириш учун қилинаётган сазъ-ҳаракатлар айнан Иброт орзу қилган кунларга етиб келганимиз, Ватанимиз буюк истиқболли учун ҳозирдан тамал тоши қўйилаётгани, аинқисса, бу ислохотлар кенг қўллашда олиб борилаётганининг яқин тасдиқидир. Бугунги ислохотлар Исоҳқон Ибротга эҳтиром, қолаверса, унинг номи билан аталувчи даргоҳдан мамлакатимиз шухратини оламга кўпроқ танитадиган, билим ва тафаккури бой ёшлар етишиб чиқишига замин яратяди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати вазио Исоҳқон Республикаси Бош вазири ўринбосари котибияти мудири Нодир Дўсматовга онаси

Ойимхон ҚОДИРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

КУТУБХОНА — НУРХОНА

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ҲОҶИ

Яқиният ҳаётининг

Ажралмас қисми

Ўзбекистон Фанлар академияси таркибидagi Асосий кутубхона юртимиздаги энг йирик зиё масканларидан бири саналади. Мана, 90 йилдики, у илм йўлида изланиб, интилган ҳар бир фуқарога самарали хизмат кўрсатиб келади.

— Зуҳра Шуқуровна, сиз кутубхона-шунос ва библиограф сифатида ушбу зиё масканида узоқ йиллардан буюн фаолият юритиб келасиз. Келинг, суҳбатимизни Фанлар академияси таркибидagi Асосий кутубхонага таянган ҳолда қўйилган илк кунлар ва қадамларнинг эслашдан бошласан.



— Фанлар академияси таркибидagi кутубхона 1933 йил Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Фан кўмитаси таркибидagi ташкил этилган ва 1943 йилда Фанлар академияси таркибига кирган. Уша йилдан бошлаб, Фундаментал кутубхона деб юритила бошланган. Дастлаб, у уша давр зиёлилари совға қилган 39 000 нусхадagi китобдан иборат фондга эга бўлган.

— Давр ўзгариши, фан-техника ривож, одамларнинг китобга, мутулаага муносабати, қолаверса, юзага келган шарт-шароит кутубхоналар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатиши табиий. Шу маънода, Фундаментал кутубхона фаолияти қай даражада ўзгарди? Нималар тақомиллашди?

— Истиқлол шарофати боис, мамлакатимиз кутубхоначилик соҳасида туб ислохотлар юз берди. 1994 йилдан бошлаб юртимизда биринчилардан бўлиб кутубхоначилик ва библиографик иш жараёнларини автоматлаштириш, Россиянинг ИРБИС дастури асосида электрон каталог яратиш, рақамлаштириш ишлари айнан ушбу фундаментал кутубхона негизидagi яратила бошланди.

— Кейинчалик давр тақозоси билан ўзбек алифбоси белгисидagi библиографик ёзув элементларини киритишга эҳтиёж пайдо бўлди. Ана шу жараёнда малакали иш олиб бориш, электрон каталогни тўғри ташкил этишни йўлга қўйиш мақсадида илмий-амалий лойиҳа доирасида вилоят кутубхоначиларининг малакаси оширилди. Фундаментал

ларни ишга соляпти. Кутубхона сайтида кўплаб маълумотлар бериб борилади, барча ижтимоий тармоқларга уланганмиз, уларда кутубхона фаолиятига боғлиқ ҳолда материаллар тақдим этиб келинади. Электрон каталогни ташкил этиш иши давом этмоқда. Турли йилларда ҳар хил дастурлар асосида иш олиб борилди. Ҳозирги кунда Жанубий Корея билан ҳамкорликда мамлакатимизда яратилган электрон кутубхона жараёнида ҳам иштирок этапмиз. Бу лойиҳада қатнашаётган 20 та йирик кутубхонадан бири сифатида UzNEL дастури асосида электрон каталог яратиш ва босма нашрларни рақамлаштириш ишлари жадал олиб борилаётир. Мухим ишларимиздан яна бири, мамлакатимизда биринчи марта Ўзбекистон олимларининг библиометрик маълумотлар базаси яратилмоқда. Ушбу базада 1933 йилдан то шу кунга қадар юртимиз илм-фанини ривожлантиришда иштирок этган илмий кадрлар ҳақида муҳим маълумотлар тўпланади.

— Кутубхонанинг керакли техник ва дастурий таъминот билан қай даражада таъминлангани ҳақидаги маълумотлар ҳам китобхонлар учун қизиқ.

— Албатта, замон талабига мос аҳолига кутубхона-ахборот хизмати кўрсатиш учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари зарур. Бусиз бўлмади. Ҳозирда кутубхона биноси фарзандлар жараёнида, аммо хизмат кўрсатишни тўхтатганимиз йўқ. Ходимлар шу жараёнда ҳам электрон каталог, Миллий электрон кутубхона яратишда, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона негизидagi ташкил этилаётган йнма электрон каталог ишида фаол иштирок этмоқда. Бунинг учун 30 та компьютер, 1 та замонавий катта сканер, 2 та планшетли сканер, кўп функцияли 3 та принтер (сканер, нусха кўчириш билан бирга) билан таъминланган. Кутубхонамиз Жанубий Корея ва Германия кутубхоналари фаолиятида кўлланилаётган махсус чангтолқичлар, китобларни тазаловчи қуримлар, замонавий сканерлар билан жиҳозланса, ишимиз самараси янада ошган бўлар эди.

— Китоб ва китобхонлик ва бугунги ёшларнинг китобга муносабати ҳақидаги мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— 2017 йилдан бошлаб мутулаа маданиятини ва китобхонлик фаолиятини шакллантириш ва ташкил этиш борасидagi вазифаларимиз давлат сиёсати даражасида эътиборга олинди. Мутулаа маданияти, бу — ўқиш учун мақсадни аниқ белгилашдан тортиб, ўқилган материаллардан шахсий ҳаётида ва жамият тараққиётида унумли фойдаланишга қараган жараёнида англаштириш. Шахсан ўзим 1978 йилдан бери олий таълим тизимидagi



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ҲАМ УЧУН МАЗКҮР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

кутубхоначи кадрлар тайёрлаш жараёнида қатнашиб келаётганим учун шуни аниқ айти оламанки, мутулаа маданияти ва китобхонлик фаолиятини ташкил этиш, аввало, оиладан бошланади.

Фарзандларни китоб ўқишга ўргатишда оилавий муҳит жуда муҳим. Отанада китобга муносабат, меҳр-муҳаббат қандай бўлса, фарзандларда ҳам шу хилсиз ривожланади. Жанубий Кореяда шанба, яқинба ота-оналар учун кутубхона кунлари бўлиши менга жуда маъқул келди. Ота-оналар шу кунлари эмизликни гўдақидан то 12 ёшгача бўлган болалар билан кунини кутубхонада ўтказишди. Бунинг учун барча керакли шароит яратилган. Болада китобга муносабат гўдақлигидан шакллантирилади. Берлин кутубхоналаридан бирида эса ҳали эммаклаб юрган боланинг ластки тоқчалардан китоб олиб онасининг олдида судраб келаётганига гувоҳ бўлдим. Улар учун алоҳида махсус хоналар ва ҳамширалар ажратилган. Гўдак учун нима зарур бўлса ҳаммаси бор.

Кутубхонамизга Ёзувчилар уюшмаси анчагина китоб ажратди. Ҳ.Ғуллом номидаги НМИУ ёрдам берди, айниқса, маҳаллада истиқомат қилувчи кекса олимлар катта ташаббус қўрсатди. Бир неча боғчаларда кутубхоналар ташкил этилди. Бундан ташқари, юртимизнинг турли ҳудудларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактаб, коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлири ҳузуридаги кутубхоналар учун фондимиздаги ортиқча сарф-харажатлари эътиборимизни тортди. Сўз ва куй уйғунлигида яралган

Услубий ёрдам бериш билан бирга, ҳарбий қисмлар кутубхоналарида "Маънавиятга йўл фақат китоб орқали" мавзусида маъруза-тақдимотлар ўтказилди. Мени харбийлар орасидagi ижодкор ёшлар, уларнинг китоб ўқишга интилиши, қизиқишлари хурсанд қилди. Ёшларимизда китоб ўқишга интилиш яқин, лекин бунга ҳалақит берадиган айрим масалаларни ҳал этиш зарур. Биринчи гада китоб савдосини тартибга солиш керак. Масалан, бир номдаги китоб Тошкент шаҳрининг турли жойида катта фарқ билан турлича нарҳда сотилади.

Яна бир масала, кутубхоналарга китоб сотиб олиш учун маблагни қўпайтириш зарур. Хорижий мамлакатлар тажрибасига қўра, китоблар нархи мақсадга қараб ўзгаради: кутубхоналар учун бошқа нарх, сотиб оладиган аҳоли учун алоҳида нарх. Мутахассис сифатида мени кутубхоначининг мавқеи, малакаси, фидойилиги масаласи ҳам ўйлантирди. Жумладан, соҳа мутахассислиги бўйича олий таълим оловса-ю, лекин кутубхонада ишлашдан ўзини олиб қўчса. Ахир зиё тарқатишда савобли ишга қўл келган кишини қабул қилиб бўлмади. Китобхонлар билан ишлашнинг ҳам ўзи га яраша сирлари бор.

— Асосий кутубхона дунёнинг қайси мамлакатларида кутубхоналар билан ҳамкорлик ўрнатган?

— Бугун интернет замони. Рақамлаштирилган ёки электрон шаклга ўтказилган аудио китоблар оммалашди, лекин улар китобнинг ўрнини босолмайдиган. Китобхоналаримизнинг деярли 80-90 фоизи барибир босма нашрларни сўраб муружаат қилади. Қўшни мамлакатлар фундаментал кутубхоналари билан аввалдан илмий адабиётлар алмашинуви мавжуд. Биз қатор мамлакатлар кутубхоналари билан илмий-тадқиқот институтларининг илмий журналлари, нашрларини алмашиб тураемиз.

— Келгусидagi янги лойиҳалар, режалар ва қандай янгиликлар кўзда тутилмоқда?

— Режаларимиз кўп. Кутубхонамиз таъмирдан чиққандан кейин олимпиада аёллар хотиржам илмий фаолият билан машғул бўлишига ёрдам берадиган, жумладан, китоблар мутулааси пайтида гўдак фарзандларига қараб турадиган, устозлар-шоғирдлар бирлигида ишлайдиган алоҳида шароитга эга хоналар ташкил этиш ниятимиз бор.

Мен хорижий мамлакатлар кутубхоналари фаолияти билан танишганимда кўнглимга навбат билан хизмат кўрсатиш ишини ташкил этишни тугиб қўйган эдим. Бунинг илмий фаолият билан шуғулланувчи китобхоналаримиз яқини тушунади. Олимларнинг айримлари кечки пайт, кечаси ёки тонг маҳали илмий иш билан банд бўлади. Тўғри, бунга оилавий шароит ҳар доим ҳам имкон бермайдиган. Биз эса эрталаб 8.00 дан кечки 17.00 га қадар хизмат кўрсатаемиз. Яъни иш вақтимиз уларга унча мос келмайдиган. Мана шундай барча учун бирдай мақбул келадиган жиҳатларни амалга таъбиқ қилиш бўйича ҳам илгор хориж тажрибасини ўрганиш, ўзимизга қўлай ҳолда мослаштириб жорий этиш вақти келди.

Ўзбекистонда ҳозирга қадар на китобатчилик, на кутубхоначилик иши, на библиографикшунослик энциклопедиялари тайёрланмаган, нашр қилинмаган. Россияда "Книговедение", "Библиотечное дело" номли қўмуш йилликлар мавжуд. Биз талабалар билан машғулотларда ана шу нашрлардан фойдаланамиз. Бу каби мабналар ўзимизда ҳам яратилиши, уларни ёш авлод мутулаа қилиши, фойдаланиши ҳам илмий, ҳам тарихий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти Давронбек ОРИПОВ суҳбатлашди.

ЁЗ — ҲТМОҚДА СОЗ



МЕХР УЛАШАЁТГАН "Мехржон"

Ёз — болаларнинг энг севимли фасли. Боиси, боғларда мевалар гўрқ пишади. Тилни ёрар шафтолюю ўрик, олма танга қувват бағишлайди. Қолаверса, уч ойлик таътил мароқли хордиқ чиқариш учун ажойиб имконият.

Юртимизда жажжи авлоднинг соғлом ва маънан етук камол топиши учун кўплаб хайрли ишлар йўлга қўйилган. Ҳар бир боланинг вақти унумли ўтишини таъминлашга қаратилган махсус режалар тасдиқланган. Хусусан, ёзда ҳам фарзандларимиз таълим-тарбиядан узилмайди, оромгоҳларга йўл олади. Дўстлар орттиради, билим ва кўникмасини оширади.

Чуст тумани Ғова қишлоғидagi "Мехржон" болалар соғломлаштириш оромгоҳи айни дамда ўқувчилар билан гавжум. Сапкам 11 миллиард сум сарфланиб, собиқ Мехрибонлик уйи ўрнида қад ростлаган махсус замонавий оромгоҳ пуривор тоғларнинг хушхаво худудидagi жойлашган.

Ҳозир учинчи мавсумда 120 нафар ўғил-қизнинг дам олиши мазмунли кечини учун оромгоҳда барча зарур қўлайликлар яратилган. "Моҳир қўллар", "Ёш рассомлар", инглиз тили ва спорт тўғрисидаги улар ихтиёрида. Бир-бирдан қизикарли тадбирлар, мусобақа-



лар уюштирилмоқда. Алоҳида қизиқиш уйғотган "Талантлар танлови"да "Энг яқини рассом", "Энг яқини спортчи", "Энг яқини қўшқич", "Энг фаол китобхон" номинациялари бўйича голиблар аниқланди. Волейбол, футбол, стол теннис, шахмат-шашка бўйича беллашувлар

болаларни чиниқтириб, саломатлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Бош тарбиячи Муродхон Исоқовнинг айтишича, Ўзбекистон касабга уюшмалари федерацияси Наманган вилояти кенгаши турли лойиҳалар ўтказиш, фаолларни рағбатлантириш, дам олувчилар

хавфсизлигини таъминлаш, озиқ-овқат ва таомлар сифатини назорат қилишга яқиндан қўмақлашмоқда. Оромгоҳда ҳар кун илмий ҳаёт асосида мавжум вақт юзасидан тадбир ташкил этилади. "Ўзбекистон — муқаддас диёр", "Билимлик ёшлар — юрт таянчи", "Китоб — маърифат чироғи" каби маънавий-маърифий учрашув ва суҳбатлар, баҳс-мунозаралар турли ёшдаги болаларнинг тафаккурини бойитишга хизмат қилляпти.

— Ғованинг осмонўпар тоғлари, шарқираб оқаётган зилол сувлари, майсаларга учиб қўнаётган капалакларни кўрган киши беихтиёр қўлига қалам олиб, расм чизгиси келади. — дейди "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Отабек Қобилов. — Мафтункор Ғова ана табиат муъжизасидир, унинг бетақдор гўзаллиги ҳар қандай кишини ўзига ром айлайди.

Тўғарак раҳбари Нурилло Ориповнинг ёшлар орасида мусиқа санъати ва маданиятини ривожлантириш, улар онига миллий қўшиқларни сингдиришдаги сазй-ҳаракатлари эътиборимизни тортди. Сўз ва куй уйғунлигида яралган



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ҲАМ УЧУН МАЗКҮР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ўлмас тароналарни тинглаш ва жонли ижро этишини руҳиятга ижобий таъсирини, аҳамиятини таъкидлашдан ҳеч қарчамайди.

— Бу йилги мавсумнинг тўрт мавсумида 500 нафардан зиёд болани ҳар жиҳатдан соғломлаштириш кўзда тутилган. Бугунга қадар 360 нафар болажон уйига хурсанд ҳолда қайтди. 5 та муҳим ташаббус доирасида тўғаракларимиз мунтазам ишлаб турибди, тадбирлар, кўплаб танловлар ташкил-лаштирилмоқда, — дейди оромгоҳ директори Жамшидбек Иброҳимов. — 11 нафар тажрибали тарбиячи, мураббий ва етакчи машғулотларни сифатли ва эсда қоларли тарзда ўтказаяпти.

Оромгоҳда спорт майдончалари ва чўмилиш ҳавзаси бор. Концертлар, мусобақалар, савҳатлар ва бошқа жараёнлар муассаса шифокори ва ҳамширалари, бириктирилган масъулларнинг қатъий назоратида. Ўқувчиларнинг самимий

фикрларини эшитдик, таассуротлари бир олам.

Ғова қишлоғидagi 12-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Одинахон Маҳмудова фойзли гўша ва атрофидagi манзараларни ижод намуналари орқали тасвирлашга интилади. У шароитлардан, устозларидан беҳад миннатдор. Мазали ва шифобахш таомлар, янги дугоналар дийдоридан мамнунлигини унинг кайфияти юқорилигидан билиш мумкин.

Шодон ўғил-қизларнинг кулгиси янграётган сўлим айвончада озгина ўтирсангиз, баҳри дилингиз очилади, енгил шабададан танангиз ярайди. Болаларга бебинат меҳр улашаётган гўшалар ва сўлим "Мехржон"дан қайтар эканмиз, юрт келажиги — болажонлар ҳаммиса давлатимиз эътиборида эканига гувоҳ бўлдик.

Орифжон Жўраев, "Янги Ўзбекистон" муҳбири